

ОРТОДОНТИК МОСЛАМАЛАРНИ ҚЎЛЛАШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН БОШЛАНҒИЧ ОҚ ДОҒ КАРИЕСНИ ЗАМОНАВИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Фозилов Ў.А.,

Бухоро давлат тиббиёт институти.

✓ Резюме,

Тез-тез ва кўп миқдорда углеводларни истеъмол қилиш, оғиз бўшлиғи гигиенасининг пастлиги кариесоген микроорганизмларни тишелликуласига маҳкам бириктиради ва тиш қарабини ҳосил қилади. Ёпишқоқ моддалар истеъмол қилганда тишларнинг ретенцион нуқталарида тўпланади, (фиссуралар, чуқурчалар, контакт юзалар, пломба, протезлар) натижада чириш ва бижғиш жараёни бошланади. Бунинг натижасида тиш эмал юзасида кариес касаллиги ривожланади.

Калит сўзлар: ортодонтик мосламалар, тиш эмал юзаси, кариес касаллиги, деминерализация ўчоқлари, ICON-40.0 воситаси.

СОВРЕМЕННЫЕ ПРОЦЕДУРЫ ПЕРВИЧНОГО КАРИЕСА БЕЛЫХ ПЯТНЕЙ, ПЕРЕКРЫТЫХ ПРИ ПРИМЕНЕНИИ ОРТОДОНТИЧЕСКИХ ЛЕКАРСТВ

Фозилов У.А.,

Бухарский государственный медицинский институт.

✓ Резюме,

Частое и чрезмерное потребление углеводов, плохая гигиена полости рта прочно связывают кариесогенные микроорганизмы с зубным рядом и вызывают разрушение зубов. Клеи накапливаются в точках удержания зубов при их потреблении (трещины, полости, контактные поверхности, пломбы, зубные протезы), что приводит к процессу разрушения и разрушения. В результате на поверхности эмали зуба развивается кариес.

Ключевые слова: ортодонтические аппараты, поверхность зубной эмали, кариес, очаги деминерализации, инструмент ICON-40.0.

MODERN PROCEDURES OF PRIMARY CARIES OF WHITE SPOTS, COVERED WHEN USING ORTHODONTIC MEDICINES

Fozilov O'.A.,

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali Ibn Sina
200101, Uzbekistan, Bukhara city, 1 Navai Avenue stride <http://bsmi.uz>.

✓ Resume,

Frequent and excessive consumption of carbohydrates, poor oral hygiene firmly connect cariogenic microorganisms with the dentition and cause tooth decay. Glues accumulate at the points of teeth retention during their consumption (cracks, cavities, contact surfaces, fillings, dentures), which leads to the process of destruction and destruction. As a result, caries develops on the surface of tooth enamel.

Key words: orthodontic appliances, tooth enamel surface, caries, foci of demineralization, ICON-40.0 tool.

Долзарблиги

Хозирги кунда стоматология амалиётида касалликларни эрта аниқлаш, ташхислаш ва асоратларини олдини олиб, профилактика чора тадбирларини қўллаш стоматологиянинг долзарб муаммоларидан биридир. Кариес касаллигини олдини олиш мукамал даволаш усуллари ишлаб чиқиш стоматологияни ютуқларидан бири ҳисобланади. Тиш кариесини полиэтиологик келиб чиқиш табиатига эга бўлган касаллик сифатида кўриб чиққан. А.И.Рыбаков ҳар бир инсоннинг ривожланиш давридаги кариес жараёнини ривожланишига сабаб бўлувчи эндоген ва экзоген омилларни тўла ёритади. Ирсий омилларга катта аҳамият берилади.

Ҳомиланинг орган ва системаларини шаклланишига онанинг бошдан ўтказган касалликлар, қалқонсимон безининг касалликларида модда алмашинувининг бузилиши, ҳомиладорлик токсикози ва медикаментларни дозасини ошириб юбориш,

онанинг сурункали инфекцияси ва аллергия касалликлари, психик травма ва экстремал ҳолатлар ҳомилага катта таъсир кўрсатади. Бу барча касалликлар тиш-жағ системасига ва тишнинг қаттиқ тўқимасига таъсир кўрсатади. 6 ойдан - 6 ёшгача бўлган давр. Бу давр табиий йўл билан овқатлантиришга, сурункали ва инфекция касалликларга катта аҳамият берилади. Экзоген факторлар бўлиб, муаллиф - Оғиз бўшлиғи гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, прикус деформацияси ва травмалари, сўлак ажралишини бузилиши, оғиз ичи рН инди ўзгариши, деб ҳисоблайди. Болалик ва ўсмирлик даври 6 дан - 20 ёшгача бўлган давр. Тиш кариесини келтириб чиқарувчи экзоген ва эндоген факторларни ажратади. Эндоген факторларга бошдан ўтказган касалликларни (соматик), углеводларни кўп истеъмол қилиниши, жинсий вояга етиш, юқори даражадаги модда алмашинуви, микро-элементлар алмашинувидаги танқислик, жигар функциясининг бузилиши, тўлиқсиз овқатланиш. Тиш тўқимаси иммунитетининг пасайиши, фтор етиш-

мовчилиги, тиш пульпасидаги ўзгаришларни киритган. Экзоген омилларга оғиз бўшлиғи гигиенасининг паслиги, прикус деформацияси, шикастланиш, сўлак ажралишининг бузилиши, оғиз ичи рН ининг бузилиши, баъзи тишларнинг чиқишини қийинлашуви, тишлар депульпацияси, тиш жағ системасининг касалликлари киритилган. 20 ёшда - 40 ёшгача бўлган давр.

Кариесни келтириб чиқарувчи эндоген фактор бўлиб, бу ёшда ошқозон - ичак тракти, жигар касалликлари, эндокрин система функциясининг бузилиши, юрак - қон томир системаси касалликлари ҳисобланади. Экзоген фактор бўлиб тиш-жағ системаси касалликлари, оғиз бўшлиғи гигиенасининг йўқлиги, сўлак ажралишининг бузилиши ҳисобланади. 40 ёшдан кейинги давр. Муаллиф фикрича, ички аъзо ва системаларнинг касалликлари билан тиш пилакчасининг мавжудлигини ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Бу омилларни алоқадорлиги кариоз жараёнида бошланғич механизми бўлиб ҳисобланади. 2000 йиллардан бошлаб проксимал юзадаги кариесни микроинвазив даволашга эришилди. Бу усулни профессор Х.Мейер -Люкелл ва доктор С.Париж ишлаб чиқдилар. Даволаш усули тиш эмали сатҳидаги деминерализация чуқур фторлаш ICON 40.0 воситасини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Мавзунинг мақсади: Ортодонтик мосламалар қўлланилганда тиш эмали сатҳи зараланган юзала-ридаги деминерализация ўчоқларини бартараф этишда ICON 40.0 воситасини қўллаш самарадорлигини ошириш.

Материал ва услублар

Бухоро шаҳар болалар стоматология поликлиника 11-14 ёшли 44 нафар ортодонтик мосламаларни қўйилган ҳамда бошланғич оқ доғ кариес билан мурожат қилинган бемор болалар олинди.

Натижа ва таҳлиллар: Ортодонтик мосламаларни қўйилган ҳамда бошланғич оқ доғ кариес билан мурожат қилинган бемор болаларда ICON 40.0 воситасини қўллаш орқали 44 нафар бемор болалар икки гуруҳга бўлиб ўрганилди.

А биринчи гуруҳ 28 нафар бемор болаларга ICON 40.0 воситасини қўллашдан олдин бошланғич оқ доғ кариесда қўлланилади. Қўллашда тиш юзаси сатҳи оғиз суюқлиги сўлакдан бартараф этилади. Сўнгра қури-тилиб, ICON 40.0 воситасини қўлланилади. Бемор болаларга 2 соат давомида овқатланмаслик, 2-3 кун давомида қаттиқ овқат маҳсулотларини чайнамас ва чайнов самарадорлигига эътибор беришлари тавсия этилади. Даво курси бир ойда бир мартаба буюрилади. Бундай даволаш ҳолати 3 ой давомида такрорланиб борилади. Таҳлил ва натижалар текширилганда деминерализация ўчоқларини бартараф этилди ҳамда ўрта ва чуқур кариес касаллигини даволашга эришилди. Бемор болаларга ICON 40.0 воситаси билан даволашдан сўнг ортодонтик мосламаларни қўллаш орқали тиш-жағ тизими аномалияларини даволашга имконият яратилди.

В иккинчи гуруҳ 16 нафар бемор болаларда ортодонтик мосламаларни қўлланилгандан сўнг юзага келадиган бошланғич оқ доғ кариесни даволашда ICON

40.0 воситасини қўллаш орқали чуқур фторлаш йўли билан амалга оширилди. Натижаси текшириб қўрилганда деминерализация ўчоқлари ўрнига иккиламчи дентин ҳосил бўлганлиги ҳамда бемор болаларда даволашдан сўнг ҳеч қандай шикоят йўқлиги ва ортодонтик мосламаларни қўллашда ноқулайликларни келтириб чиқармаслиги аниқланди.

Хулоса

ICON 40.0 воситасини қўллаш орқали демине- рализация ўчоқларини чуқур фторлаш бемор бола- ларнинг ҳар иккала гуруҳида ҳам бошланғич оқ доғ, ўрта, чуқур кариесларни даволашда яхши натижага эришилди. Бизнинг илмий изланишларимизда, чуқур кариесда ICON 40.0 воситасини қўлланилганда икки- ламчи дентин ҳосил қилиб, пульпа томини экзоген ва эндоген таъсиротлардан ҳимоя қилиши аниқланди. Бошланғич оқ доғ кариес касаллиги даволада тиш эмал сатҳидаги деминерализация ўчоқларини бартараф этишга эришилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Способ лечения начального кариеса зубов / В.Г. Сунцов, В.К. Леонтьев, В.А. Дистель [и др.] // Институт стоматологии. - 2004. - №3. - С.54-55.
2. Методика инфльтрации - новая технология лечения начальных кариозных поражений зубов / А.И. Николаев, О.Ю. Кузьминская, Т.С. Степанова [и др.] // Клиническая стоматология. - 2010. - №2. - С. 14-18.
3. Полевая Н.П. Профилактика кариеса и лечение его начальных форм методом реминерализации / Н.П. Полевая, Н.Б. Елисеева // Стоматолог. - 2004. - №3. - С. 34-39.
4. Протоколи надання стоматологічною допомогою: за заг. ред. Опанасюка Ю. В. - К.: СвкТ сучасноч стоматологкц, 2005. - 506 с.
5. Лукашевич М.Б. Препараты кальция fff поколения в комплексном лечении и профилактике острого начального кариеса / М.Б. Лукашевич // Современная стоматология. - 2005. - №1. - С. 40-42.
6. Использование "R.O.C.S. Medical Minerals" в стоматологической практике / Л.Р. Сарап, Е.А. Подорова, С.К. Мателло [и др.] // Современная стоматология. - 2007. - №1. - С. 35-37.
7. Кобиясова И.В. Опыт применения аппликационного геля "R.O.C.S. Medical Minerals" в профилактике и лечении кариеса в стадии пятна / И.В. Кобиясова // Клиническая стоматология. - 2008. - №2. - С. 72-74.
8. Кириллова Е.В. Возможности современных реминерализующих составов при эстетическом лечении зубов / Е.В. Кириллова, С.К. Мателло // Современная стоматология. - 2010. - №3. - С. 19-20.
9. Гранько С. Микроинвазивное лечение кариеса методом инфльтрации эмали / С. Гранько, А. Есьман, С. Баранников // ДентАрт. - 2011. - №1. - С. 59-65.
10. Леонтьева Е.Ю. Реминерализирующая терапия с использованием Tooth Mousse и MI Paste Plus (GC) / Е. Ю. Леонтьева, О.Е. Ткачук, И.Б. Нектаревская // Проблемы стоматологии. - 2013. - №1. - С. 35-39.
11. Применение пленки "Диплен Ф" при лечении кариеса в стадии меловидного пятна / С.Д. Арутюнов, В.Н. Царев [и др.] // Стоматолог Инфо. - 2008. - №1. - С. 45-47.
12. Инновационные технологии в стоматологии. Лечение кариеса в стадии пятна методом инфльтрации /Л.Н. Максимовская, Е.П. Якушечкина, Е.А. Соловых [и др.] // Клиническая стоматология. - 2012. - №1. - С. 4-6.

Келиб тушган вақти: 09.03.2020